O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 11 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 28 майда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги 813–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **19-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бирламчи маҳсулотни ишлаб чиқаришдан (қайта ишлашдан) қўшимча маҳсулот сифатида олинадиган, IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни ушбу Қонунда назарда тутилган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш юридик шахслар томонидан уларда муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун лицензиялар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади»;

тўртинчи қисм бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

муомалада бўлиши чекланган прекурсорларни сотиб олувчиларнинг ва улардан якуний фойдаланувчиларнинг реестрини юритиш тизими жорий этилишини таъминласин;

прекурсорларнинг ишлаб чиқарилиши, тайёрланиши ва реализация қилиниши устидан назорат механизмларини кучайтириш чораларини кўрсин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июнь
№ ЎРҚ–774

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
QONUNI

О внесении дополнения и изменения в статью 19 Закона Республики Узбекистан «О наркотических средствах и психотропных веществах»

Принят Законодательной палатой 11 мая 2022 года
Одобрен Сенатом 28 мая 2022 года

Статья 1. Внести в **статью 19** Закона Республики Узбекистан от 19 августа 1999 года № 813–I **«О наркотических средствах и психотропных веществах»** (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 9, ст. 210; 2001 г., № 1–2, ст. 23; 2003 г., № 1, ст. 8; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2006 г., № 10, ст. 536; 2015 г., № 8, ст. 312; 2017 г., № 4, ст. 138, № 6, ст. 300; 2018 г., № 10, ст. 679; 2019 г., № 2, ст. 47, № 5, ст. 267, № 9, ст. 592; 2020 г., № 3, ст. 203, № 7, ст. 449, № 10, ст. 597; 2021 г., приложение к № 4) следующие дополнение и изменение:

дополнить **частью четвертой** следующего содержания:

«Производство и изготовление некоторых прекурсоров, определяемых в рамках Списка IV Кабинетом Министров Республики Узбекистан, получаемых в качестве дополнительного продукта от производства (переработки) первичной продукции, в целях, предусмотренных настоящим Законом, осуществляются юридическими лицами при наличии у них лицензий на производство и изготовление конкретных прекурсоров»;

часть четвертую считать **частью пятой**.

Статья 2. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 3. Кабинету Министров Республики Узбекистан:

обеспечить внедрение системы ведения реестра покупателей прекурсоров, ограниченных в обращении, и их конечных пользователей;

принять меры по усилению механизмов контроля за производством, изготовлением и реализацией прекурсоров;

привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену органами государственного управления их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 4. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

Президент
Республики Узбекистан **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент,
1 июня 2022 года
№ ЗРУ–774